

**АРЧАНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШДА САМАРАЛИ УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

Абдуллаев Хусниддин Миркомил ўғли

Тош Дау Магистранти.

Хасанов Анвар Муроталиевич

Тош Дау докторанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7195506>

Анатация. Ўрмон ва манзарали дараҳталарада зарап келтирадиган турли хил зараркунандалар мавжуд бўлиб тозги ва тоз олди худудларда маданий ва табий ривожланадиган зарап кунандаларнинг 20 дан ортиқ тури аниқланган. Булардан 10 дан ортиқ асосий зараркунандалар зарап келтиради. Дунёда мўйловдорларнинг 20 мингдан ортиқ тури маълум бўлиб, уларнинг кўпчилиги ўрмон ва қишилоқ хўжалигига зарап келтиради. Ўзбекистон Республикасида мазкур куртининг 50га якин тури маълум бўлиб, улардан 22дан ортиқроқ тури дендрофил бўлиб, ўрмон ва мевали дараҳтларнинг танаси, шохлари ва илдизига зарап келтиради.

Калим сўзлар: ўрмон ва манзарали дараҳтлар, Арча златкаси, Арча мўйлабдори, пўстлоқхўрлар, энтомофаг, биоценоз.

Анатация. Существуют различные вредители, наносящие вред лесам и декоративным деревьям, выявлено более 20 видов вредителей, которые в культурном и природном отношении развиваются в горных и предгорных районах. Из них более 10 крупных вредителей наносят ущерб. Существует более 20 000 видов усачей, большинство из которых наносят ущерб лесам и сельскому хозяйству. В Республике Узбекистан известно около 50 видов этого долгоносика, из них более 22 видов являются дендрофильными и повреждают ствол, ветви и корни лесных и плодовых деревьев.

Ключевые слова: лесные и декоративные деревья, арчевый златка, арчевый усач, лубоеды, энтомофаг, биоценоз.

Abstract. There are various pests that damage forests and ornamental trees, and more than 20 species of pests that develop culturally and naturally in mountainous and sub-mountainous regions have been identified. Of these, more than 10 major pests cause damage. There are more than 20,000 species of moustache, most of which cause damage to forests and agriculture. About 50 species of this weevil are known in the Republic of Uzbekistan, of which more than 22 species are dendrophilous and damage the trunk, branches and roots of forest and fruit trees.

Keywords: forest and ornamental trees, juniper zlatka, juniper barbel, luboyed, Entomophag, biosenosis.

Ўрмон ва манзарали дараҳтлар кўламини кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида бир нечта йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг ёғоч ва ёғоч материалларига бўлган талабини қондириш долзарб муюммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда кенг тарқалган манзарали дараҳт зарапкунандалардан Арча златкаси (*Anthaxia candarti* Scm), Арча мўйлабдори (*Semanotus semenovi* Okun), Шаҳар мўйловдори (*Aeolesthes sarta* Solck), Пўстлоқхўрлар (*Lpidae.*), Аракашлар (*Byrrhidae*),

**II International scientific and practical conference
"SUSTAINABLE FORESTRY"**

14-15 October 2022 | scientists.uz

Қолқондорлар (*Diaspididae*) ва барг ўровчилар (*Torticidae*) асосийлари дир. Мамлакатимиз ўрмон биоценозида ўтказилган кузатувларимизга кўра бир нечта хавфли зааркундаларнинг кўплаб турлари учраши аниқланди шу билан бирга улар сонини бошқариб турувчи энтомофаг-паразитларининг тур таркиби мавжуд [1, 4, 5].

Бизнинг адабиётлар таҳлилимида кўра ўрмонзорлар биоценозида учровчи зааркунданда ва уларнинг энтомофаг паразит турлари ўзаро муносабати турлича бўлиб булар бир нечта омилларга боғлиқ бўлади. Бунда ўрмонзорларнинг кенглиги, жойлашган иқлим шароити, экологик факторлари ҳамда ўрмон дараҳтларининг тур таркибига боғлиқ экан.

Кузатувларимизда зааркундандинг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида ўрмон ва манзарали дараҳтларда тезда тарқалиб, заарланган дараҳтларнинг 85 фоизигача шикастланишин аниқладик. Айниқса арча златкаси ва арча мўйлабдорлари тезда тарқала бошлади. Шаҳар мўлобдорининг биологик хусусиятларини ўрганиш асосида, унга қарши илмий асосланган кураш усуллари тизими ҳамда воситаларни яратиш ва амалий тавсиялар бериш талаб этилади. Бунда арча златкаси ва шахар мўйлабдори билан бирга бошқа зааркундалар зарар келтириши аниқланди.

Арча златкаси - *Anthaxia candarti* Scm. Арча златкаси Марказий Осиё мамлакатларида арча ўсадиган худудларда кенг тарқалган бўлиб, денгиз сатҳидан 3000 метр, баландликда ҳам учрайди. Арчанинг ҳамма навларига зарар етказади. Арча златкасининг узунлиги 4-7 мм, ранги тўқ металсимон ялтироқ. Имаголари тухумларини арча танасига 4-5 донадан қилиб қўяди. Биринчи куртчаларининг тухумдан чиқиши июн ойининг бошларига тўғри келади. Куртчалари кузгача арчаларни кемириб шу жойнинг ўзида курт ҳолида ёки тўлиқ ривожланмаган қўнғиз ҳолида қишлоғга кетади. Баҳор ойида ҳаво исиши билан куртчалари озиқланиши давом эттиради. Куртчалари тўлиқ ривожланиб бўлгандан кейин қўнғизга айланади. Қўнғизларининг оммавий тарқалиши апрел ойининг охириги тўғри келиб, арчазорлардаги арчаларга тухумларини қўя бошлайди. Қўнғизлари гулларнинг нектарлари билан озиқланади. Икки йилда бир марта авлод беради.

Қўнғизлари кўпроқ ёруғлик ва иссиқликин севади, шунинг учун ҳам қуёш тикка тушадиган арчазорларни кўпроқ заарлайди. Бу зааркундалар ҳам бошқа златкалар ҳолсизланган ва янгидан кесилган арчаларни хўш кўради, айниқса, новдаларини кучли заарлайди. Зааркунданда дараҳтни ерга яқин шохларидан бошлаб заарлайди. Шунинг учун златка заарлаган арча пастдан тепасига қараб куриб боради. Арча златкаси билан заарланган арчазорларнинг 80 % гача нобуд бўлиши кузатилган [2].

Арча мўйлабдори - *Semanotus semenovi* Okun. Арча мўйлабдори Ўзбекистоннинг арча ўсадиган тоғли худудларида кенг тарқалган бўлиб, факат арчани заарлайди. Бу зааркунданда ҳам физиологик ва техник зааркундана хисобланади. У физиологик томондан ҳолсизланган арчаларни хўш кўради, соғ арчаларга зарар етказмайди.

Қўнғизининг катталиги 10-16 мм. Бўлиб қора қўнғир рангда. Бош ва кўкрак қисми тансига нисбатан тўқроқ. Қанотлари қуёшда ялтирайди, устки қисмида иккита сарҳич доғи бор. Арча мўйлабдори қўнғизлик ёки личинка ҳолида кесилган дараҳтлар ковакларида ёки ўзи озиқланган дараҳт тансига қишлиб қолади. Арча бўйлабдори бир йилда бир марта авлод беради. Қишлоғдан қўнғизлари ҳаво ҳароратига қараб апрел ойининг бошида, ҳаво иссиқ келган йиллари эса март ойида чиқади. Учиб чиқиши даври ҳаво ҳароратига қараб бир ойгача

давом этиши мумкин. Кўнғизлари кам ҳаракат бўлиб улар деярли озиқланмайди. Урғочи кўнғизлар тухумларини холсиз, кекса арча дараҳтининг ёрилган жойларига бир нечтагача кўяди. Тухум кўйиш даври кўнғизлар ҳаётининг охиригача давом этади. Соғлом ва ёш дараҳтларни деярли заарламайди. Кўнғизлари арчаларнинг кесилган ёки синган новдаларини 1-2 км узоқликда бўлса ҳам топиб боради. Тухумларининг эмбрионал ривожланиш даври 25-30 кунгача давом этиши мумкин. Биринчи ёшдаги қуртчалари дастлаб дараҳтнинг пўстлоғи билан/ кейинчалик пўстлоқ ости билан катта ёшга етгач арча танасини тешиб ички қисмига кириб кетади. Арча мўйлобдори арчанинг ихтисослашган зааркунандаси ҳисобланиб арчадан ташқари бошқа дараҳтларда зарар келтирмайди. Ушбу зааркунанда Ўрта Осиёда кенг тарқалган [3].

1-жадвал

Арча зааркунандаларига қарши қураш натижалари

№	Вариантлар	Ишчи суюклики кўлаш сарфи, л/га	1 туп арча дараҳтидаги ўртача зааркунанда сони, дона			Биологик самарадорлик кунлар бўйича, %			
			Ишловдан олдин	Пестицид сепилган кундан бошлаб назорат кунлари					
				1	3	7			
1	Карбафос-30 % кэ л/га	2.8	33.0	14.2	7.5	4.8	56.9	77.2	85.4
2	Фуфанон 57 % э.к. л/га	3.0	38.5	12.4	5.4	4.5	67.7	85.9	88.3
3	Назорат (ишланмаган)	-	48.4	52.1	50.7	54.2	-	-	-

Арча зааркунандаларига қарши қўйидаги пестицидларни қўллашни тавсия қиласиз Карбафос-30 % кэ. 2,8-3,0 кг/га. Фуфанон 57 % э.к. 3,0 л/га. Мосплан- 20 % н.кук. 0,15 л/га препаратлари билан ишлов берилганда дараҳт танаси зааркунандаларини 77-85 % гача камайтириш мумкин.

REFERENCES

1. Эсанбоев Ш., Анорбоев А., Аблазова М. Мевали ва манзарали дараҳт тана зааркунандалари. – Тошкент, 2019. – 11-18 б.
2. Балықина Е.Б., Ягодинская Л.П., Дучак А.Н. Против вредителей // Журнал Защита и карантин растений. - М.: Колос, 2003. - №11. – С. 31.
3. Яхонтов В.В. Вредители сельскохозяйственных растений и продуктов Средней Азии и борьба с ними. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1953. – 663 с.
4. <http://www.domovest.ru/zemlay/ogorod/vredtom.html>.
5. <http://zachita-rast.ru/4.html>.